Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 30 май 1968 йил, пайшанба ◆ № 124 (13.986). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Беш йиллик вахтасида

ТЎРТКЎЛ ПИЛЛАСИ

НУКУС, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Беш йилликнинг учинчи йилида Тўрткўл район пиллачилари сариқ пилла етиштиришда катта ғалабаларни қўлга киритдилар. Улар давлатга 162 тоннадан знёд сариқ пилла топшириб, планларини ошириб бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Димитров номли, Максим-Горький номли, «Коммунизм» колхозлари пиллакорлари ҳар қачонгидан кўпроқ пилла етиштирдилар.

Райондаги юзлаб пиллачилар ҳар бир қутидан 80 — 105 килограммдан ҳосил кўтариб, социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар. Шу кеча-кундузда район пиллачилари планга қўшимча пилла топширмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

КУМУШ ТОЛА

Сирдарё области колхоз ва совхозлари давлатга пилла сотишни қизитиб юбордилар. Илгор хўжаликлар йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти беришяпти. Жиззах районидаги «Коммунизм» колхози ана шундай хўжаликларданир. Колхоз пиллакорлари ҳозиргача тайёрлов пунктларига 8500 килограмм кумуш тола етказиб бериб, топшириқни уддалаб қўйдилар.

Шу райондаги Энгельс номли, Гулистон районидаги Фрунзе номли, «Ўзбекистон» колхозлари ҳам пилла планини бажардилар.

Т. СОЙНАЗАРОВ.

ЯРИМ МИЛЛИОН ЛИТР

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири) Ўртача бир колхознинг сут-товар фермасида ана шунча серқаймоқ сут соғиб олинганини эшитганмисиз? Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг ўртоқ Ризо Муҳсинов бошчилик қилаётган сутчилик фермаси давлатга ярим миллион литр серқаймоқ сут етказиб берди.

СУТ БУЛОҚЛАРИ

Қашқадарё области чорвадорлари муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга сут топшириш ярим йиллик плани муддатидан илгари ошириб бажарилди. Мамлакатга 12378 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди.

Ярим йиллик планнинг муваффақиятли адо этилишига Ғузор, Яккабоғ, Косон ва Қамаши райони меҳнаткашлари алоҳида ҳисса қўшдилар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎРИМ-ЙИҒИМ — ЖАНГОВАР ИШ

Узбекистон диёрида ғалла ўрим-йиғими бошланди. Республикамизнинг жанубий районларида арпага ўроқ тушди. Техниканы барвақт шай қилиб қўйган, ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрган хўжаликларда ўримнинг дастлабки кунлариёқ иш юришиб кетди. Қашқадарё областидаги «Нишон», «Ғузор» совхозларида биринчи кунининг ўзида ўнлаб комбайн билан смена учун белгиланган нормадан анча кўп ердаги арпа ўрилди.

Республикамизнинг бошқа ғаллакор область ва районларида ҳам етилган ғалланы таилаб ўришга киришилди. Эрта-индин ҳаммэ жойда арпа ўрими қизғин тус олади. Яна бир неча кундан сўнг буғдойга ўроқ тушади.

Республикамиз ғаллазорларида яқин йиллар ичида бу йилгидек мўл ҳосил етиштирилмаган. Ҳамма жойда ҳосил кутилганидан знёд бўлди. Утган йиллари жуда оз хирмон кўтарилган лалмикор ерларда гектаридан 10—12 центнер, ҳатто ундан ҳам юқори ҳосил олиш кутилмоқда. Суғориладиган майдонларда 35—40 центнердан ҳосил кўтарилишига катта ишонч бор.

Бу йилги ўрим-йиғим кампанияси ўзига хос хусусиятга эга «Ҳосилнинг мўл бўлса, ҳозирлигинг зўр бўлсин» деган деҳқон мақоли бор. Бу ҳикматли сўз айни шу бу йил учун айниқса характерлидир. Далада кутилганидан знёд ҳосил етиштирилган экан, тайёргарлик ишлари ҳам ҳар қачонгидан яхшироқ бўлиши, ўрим-йиғим зўр уюшқоқлик билан ўтказилиши керак бўлади. Шунинг учун Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети «Дон экинлари ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва 1968 йили давлатга дон сотишни таъминлаш чоралари тўғрисида» апрель ойидаёқ қарор чиқариб, бу йил ғаллакорлар олдида энг муҳим ва масъулятли вазифалар турганлигини таъкидлаган эдилар. Ғаллакор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия, совет ташкилотлари бу қарордан тегишли хулоса чиқариб, ўрим-йиғимга тайёгарликни ҳар тарафлама яхши уюштирдилар. Ўрим-йиғимни ўтказиш учун конкрет планлар, графиклар тузилди. Ғаллачилик бригадалари ишчи кучлари ва керакли техника билан таъминланди. Комбайнчилар орасида социалистик мусобақа кучайтириб юборилди. Мисол учун Самарқанд областидаги 1-«Ғаллаорол» совхозини кўрсатишнинг ўзи кифоя. Совхоз коллективи ўрим-йиғимни 20 иш кунида тугаллаш учун муҳим тадбирларни кўрди. 81 комбайн бир ярим смекада ишлайди. Ўнлаб комбайнчилар мавсумда 1000—1500 гектар ердаги ғалланы ўриб бериш мажбуриятини олишди. Совхоз партия Комитети ва дирекцияси илғорлар учун қизил байроқлар таъсис этди ва пул мукофотлари ажратди.

Ғаллачиликни янада ривожлантириш тўғрисида яқинда бўлиб ўтган республика йиғилиши қатнашчилари Узбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленумининг республика колхоз ва совхозларида дон етиштиришни тагин ҳам кўпайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлигига яқин ясади ва деҳқонлар олдида турган асосий вазифаларни белгилаб берди. Кенгаш қатнашчилари таъкидлаганидек, республикамиз далаларида олинган социалистик мажбуриятларни ортиқ билан бажаришни таъминлайдиган даражада ҳосил етиштирилди. Ҳамма гап ана шу мўл ҳосилни сира нобуд қилмай қисқа муддатларда ўриб-янчиб олишда қолган.

Шу билан бирга республикамиз ғаллачилигини ривожлантириш истиқболи жуда катта. Яқин йиллар ичида Узбекистон 110-120 миллион пуд дон етиштириши керак. Шу муносабат билан лалмикорликда ва суғориладиган зоналарда дон етиштириш билан шуғулланаётган хўжаликларда ирригация-мелиорация масалалари билан жиддийроқ шуғулланиш, янги сув омборлари қуриш талаб этилади.

Узбекистон партия ва ҳукумати ғаллакорларнинг меҳнатини ҳамиша муносиб тақдирламоқдалар. «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ғаллакор» деган фахрий унвоннинг таъсис этилиши ана шу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир.

Ана шулардан бениҳоя руҳланган илғор ғаллакорлар ўрим-йиғимни шайланиб кутиб олдилар. Лекин аниқ кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилган бўлишига қарамай, баъзи жойларда комбайнларнинг анча қисми ҳалигача тахт қилинган эмас. Ғаллачиликда асосий ўринни эгаллаган Самарқанд, Қашқадарё областларининг бир неча хўжаликларида кўплаб комбайнлар ремонтдан чиқарилмаган. Самарқанд областидаги «Улус» совхозида ярмига яқин комбайн яқин кунларгача ҳам ремонтга қўйилмаган. Бунинг устига ремонтдан чиқарилганлари комиссия кўригидан ўтказилмаган.

Ўрим-йиғим қисқа муддатли кампания. «Барвақт ўрсанг ютасан, кечиксанг ютқизасан». Бепоён далаларимизда етиштирилган мўл ҳосилни тез кун ичида ўриб-йиғиб олиш, давлатга дон топшириш планини муваффақиятли бажариш учун зўр ташкилотчилик, уюшқоқлик талаб этилади. Дон бойлигимиз, ризқи-рўзимиз. Дон қанча кўп бўлса у, шунча азиз. Ҳар бир колхоз ва совхозда етиштирилган мўл ҳосилнинг бир бошоғини ҳам нобуд қилмай, қўлга киритиб олиш чорасини кўриш керак. Энг аввало, барча техникани зудлик билан ишга тахт қилиш, ишчи кучларини етарли равишда сафарбар этиш, ўрим-йиғимга боғлиқ бўлган энг «кичкина» нарсагача аввалдан ҳозирлаб қўйиш керак.

Республикамизда ўрим-йиғим оммавий равишда кучайтириб юборилдиган жанговар дамлар узоқ эмас. Бу йил жуда катта хирмон кўтарилади. Давлат омбори, деҳқонлар уйи донга тўлади. Эл маъмурчилиги яна ҳам ошади. Бу йўлда ижодкор ғаллакорларимиз қаҳрамонона меҳнат қилдилар, эл бахт-саодати йўлида тинмай курашдилар, ватанга садоқатларини намойиш этдилар. Ўрим-йиғим кампаниясида иштирок этадиган ҳамма меҳнаткашларни — комбайнчиларни, ўроқчиларни, дон ташувчи колхозчиларни, совхоз ишчиларини зўр ғамхўрлик билан қуршаб олайлик.

Республикамизда бу йил камида 1 миллион 200 минг тонна дон етиштирилиши, давлатга 306 минг тонна дон сотилиши керак. Хўжаликлар тайёрланган ғалланы дастлаб давлатга сотишлари, «Биринчи хирмондан давлатга» деган шиорга қаттиқ амал қилишлари лозим.

Бутун куч ва эътиборни мўл ғалла ҳосилини сира нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга сафарбар этайлик. Ғаллачиликни ривожлантириш ва давлатга кўплаб дон сотишда ҳам республикамиз шонли шуҳратини оширайлик.

◆

Хоразм области. Бу ерда — ғўзаларга ишлов бериш оммавий суратда олиб борилмоқда. Ишлов бериш билан бирга ўғитлаш ишлари ҳам бир вақтнинг ўзида ўтказилмоқда. Суратда: Шовот районидаги Чкалов номли колхознинг илғор механизатори Шариф Рўзимовни кўриб турибсиз. У ғўзаларга ишлов беришда белгиланган топшириқни ҳар доим ошириб бажариб, механизатор дўстларига ўрнак кўрсатмоқда.

Н. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ШОНАДАН ГУЛГА

БУХОРО. («Совет Узбекистони» мухбири). Бухоро областининг пахтакорлари ҳамма майдонларда чигитни бир текис ундириб олгач, ғўза қатор ораларини ишлаш, озиқлантириш ва суғоришни бошлаб юборди-лар. Яганалаш, илғор колхоз, совхозларда эса ғўзанинг дастлабки парвариши муваффақиятли тугалланди.

Свердлов районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари областда биринчи бўлиб ғўзанинг иккинчи комплекс парваришини тугалладилар. 1670 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашаётган колхоз деҳқонлари дастлабки 400 гектар майдондаги ғўза қатор ораларида учинчи марта чуқур культивация ўтказдилар. Бу ишда М. Фузайлова, Ҳ. Шукурова, И. Сафарова, М. Ҳамроева, И. Хикматов, К. Йўлдошев сингари сергайрат механизаторлар кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар.

Хўжаликнинг И. Очилов, А. Қурбонов, М. Фузайлова, Е. Сафаров ўртоқлар раҳбарлик қилаётган юқори ҳосилли бригадаларида ғўзалар бир текис шонага кирди. Ўз вақтида озиқлантирилиб, таги юмшатилган ва бегона ўтлардан тозаланган айрим карталардаги ғўзалар гул кўрсатиш арафасида турибди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги саноатда ишни хавф-хатарсиз олиб бориш устидан назорат ва конларни назорат қилиш давлат комитети системасида узоқ йиллар ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда давлат кон-техника назорати органлари тузилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Узбекистон ССР давлат кон-техника назорати ходимларидан бир группаси Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. Д. ХАРЧЕНКОГА «УЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қўйчиликни ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали иши ва хизматлари учун Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли Республика яйлов мелиоратив қурилиш трести яйловларни эксплуатация қилиш бўлимининг бошлиғи Иван Дмитриевич **Харченкога** «Узбекистон ССР да хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р САХИБОЕВ.

1968 йил, 28 май.
Тошкент шаҳри.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Т. Д. ТРЕТЬЯКОВГА «УЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЕР ТУЗУВЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат томонидан ерни ҳисобга олишни тартибга солиш соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари ва актив иштироки учун Тошкент область қишлоқ хўжалик бошқармасининг старший ер ўлчовчиси Тимофей Дмитриевич **Третьяковга** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ер тузувчи» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил, 28 май.
Тошкент шаҳри.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ю. И. НЕКРАСОВГА «УЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Навоий шаҳри қурилишида ҳамда Узбекистон ССР пойтахти Тошкент шаҳрини тиклаш ишида актив қатнашганлиги ва самарали меҳнати учун 6-Навоий қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Юрий Иванович Некрасовга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1968 йил, 29 май.
Тошкент шаҳри.

ЁҒЧИЛАР КЕНГАШИ

Ёғ-мой саноати республикамиз халқ хўжалигининг йирик тармоғи ҳисобланади. Ўсимлик мойи ишлаб чиқариш йилдан йилга кўпаймоқда. Ёғ-мой корхоналари ишини яхшилашга қаратилган тадбирлар тобора дадилроқ амалга оширилаётир. Бундай корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иш жараёнларини такомиллаштириш, механизация ва автоматлашни жорий этиш кенг қулоч ёймоқда.

Қардош республикалар ёғ-мой корхоналарининг мутахассислари ва новаторлари Узбекистон тажрибасини ўрганишга қизиқаётганликлари ҳам бежиз эмас. Яқинда улар Янгийўл ёғ-мой комбинатида йиғилишди. Узбекистон ва қардош республикалардан келган ҳамкасблар янгийўлликлар эришаётган муваффақиятларнинг сирларини зўр қизиқиш билан ўргандилар. Бу ерда Узбекистон ёғ-мой саноати корхоналари ходимларининг иккинчи кунлик илмий-техника семинари ўтказилди.

Семинарда республикамиз ёғ-мой саноати корхоналарининг илғорлари, раҳбар ходимлари, етакчи мутахассислари, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларининг инженерлари, Озиқ-овқат саноати министрлигининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Шунингдек, бу семинарга Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон, Арманистон, РСФСРдан келган ҳамкасблар ҳам таклиф қилинди.

Ёғчилар илмий-техника семинари йиғилишларида энг муҳим масалалар бўйича обдон маслаҳатлашиб олинди. Аввал 1967 йилдаги конференцияларда ва семинарларда айтилган фикр-мулоҳазаларнинг амалга оширилиш якунлари муҳокама қилинди. Узбекистон ССР ёғ-мой саноатининг 1969 — 1975 йилларда ривожланиш истиқболлари тўғрисида «Узглавпрасжирмасдо» бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Пўлатов қилган доклад кўпчиликда катта қизиқиш туғдирди. Янгийўл ёғ-мой комбинатининг истеъдодли рационализатори ўртоқ Н. Криворучко ўз корхонасида чигитни жойлаш ва ташиш ишларини комплекс механизациялаш соҳасидаги тажрибаларини мароқ билан ҳикоя қилди. Қўқон ёғ-мой комбинатининг цех бошлиғи ўртоқ Ю. Жабин ёғни оқлаш борасида тўпланган тажрибаларни ўртоқлашди. Каттақўрғон ёғ-мой комбинатининг бош инженери ўртоқ П. Солдаткин эса маҳсулотни узлуксиз усулда тозалаш установкасидан фойдаланиш тажрибалари хусусида сўзлаб берди.

Семинар қатнашчилари ёғ-мой саноати корхоналари ишини яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдиридилар. Улар келажакдаги ишларда инобатга олинади. Бундан таклифларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилашга бағишланган.

Ёғчилар маслаҳатлашаётган кунларда улар учун республикадаги энг яхши корхоналарнинг сифатли маҳсулотларини кўз-кўз қиладиган кўргазма ташкил этилди. Ўсимлик мойи, майонез, маргарин, совун, синтетик усулда ювиш воситалари, порошокларнинг янги нусхалари кенг намойиш қилинди.

Н. ОЛДУКОВА,
Узбекистон ССР Госплани ҳузуридаги илмий-техника ахбороти ва пропагандаси институтининг ходими.

Уйқудан уйғонинг!

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Косон районидаги «Чорвадор» совхозининг кенг далалари... Қарич-қарич бошоқ тортган ғаллазор шовуллаб ётибди. Эрта-индин ўрим-йиғим кампанияси бошланади. Хўш, ўримга қандай тайёргарлик кўриляпти?

Афсуски, устахонадаги ишлар бизни хурсанд қилмади. 12 минг гектар майдондаги ғалланы ўриб-янчиб бериши лозим бўлган 45 та комбайндан энди 29 таси ремонт қилинибди. 6 та комбайн эса мутлақо ишга яроксиз. Ремонтчилар ишининг унуми йўқ. Совхоз директори Аҳад Самадов ва бош инженер Йўлдош Файзиев ўртоқларни иш вақтида излаб тополмайсиз.

Ремонт қилинган комбайнларни кўздан кечирдик. Электр асбоблари етишмайди. 16 та реле, 12 та аккумулятор ва бошқалар ҳали келтирилмаган.

Совхоз дирекцияси автомат тарози ремонтини ҳам ҳанузгача бошлатгани йўқ. Дон ташийдиган машиналар мавсумга тўла шай қилиб қўйилмаган. Ҳатто ғалла ташишга одамлар ажратилган эмас.

Чироқчи районидаги «Кўкдала» ва «Восход» совхозларида ҳам бўлдик. 19500 гектар майдондаги ғалланы қисқа муддатда ўриб-янчиб олиш ва давлатга топшириш планни муддатидан илгари адо этишга сўз берган «Кўкдала» совхозида мавжуд 72 та комбайндан энди 40 таси ремонтдан чиқарилибди. Ремонт ишларига кунда 70 киши ўрнига 30-35 киши қатнашяпти. Совхоз директори Рустам Бозоров ва партия ташкилотининг секретари Жонузоқ Шериков ўртоқлар бу ташвишли аҳволнинг олдини олмаётирлар.

«Восход» совхозида комбайнларни ремонт қилиш топшириғи атиги 50 процент бажарилди. Ғалла етилиб пишаётган шу кеча-кундузда уни ўриб олиш учун техникани тахтлашга жиддий эътибор бермай келаётган ношуд раҳбарларга:

— Уйқунгиздан уйғонинг! — деймиз.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Қашқадарё область мухбири.

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

28 майда Союзлар уйининг Колонна залида ўтказилган тантанали концерт икки қардош халқ — совет ва чехословак халқлари дўстлигининг мадҳияси бўлиб янгради. Чехословакия Социалистик Республикаси маданияти кунларини Россия Федерациясида очиш га бағишланган бу концертда Прага, Братислава ва қардош мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган чехословак санъат усталари қатнашди.

Москваликлар маданият ва информация министри Мирослав Галушка бошчилигидаги Чехословакия маданият арбобларини чин кўнгилдан табрикладилар.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. И. Кочемасов Чехословакия маданият арбобларини қизғин табриклади. Мирослав Галушка табрик нутқи сўзлаб, Чехословакия меҳнаткашларининг қардошлик саломини келтирганлигини айтди.

Чех ва словак миллий классикасининг асарлари шу кун Союзлар уйида таниқ ҳукмрон бўлди. Бу концертда Дворжак, Сметана, Яначек, Сухоннинг ажойиб асарлари ижро этилди.

Бу асарларни ижро этишда чех хор капелласи ва Братиславадаги словак миллий театрининг солистлари, Бутуниттифоқ радио ва телевидениесининг дирижёри В. Лишка раҳбарлигидаги катта симфоник оркестр қатнашди.

Чехословакия маданияти кунларини очиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Г. И. Воронов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев, шунингдек Чехословакия Социалистик Республикасининг Совет Иттифоқидаги мувақкат ишлар вакили Й. Кафта ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

Космик аппаратларни қўндириш системасининг мўлжалланган синовлари муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан ТАСС ўзига берилган ваколатга биноан шуни маълум қиладики, Тинч океан акваториясининг 1968 йил 19 майда эълон қилинган қуйидаги районлари:

Радиуси 40 денгиз милясидан иборат бўлган ҳамда марказининг координаталари жанубий кенглинда 0 градус 52 минутдан ва ғарбий узунликда 156 градус 40 минутдан иборат бўлган доирадаги биринчи район;

Бурчакларининг координаталари:

ЖАНУБИЙ КЕНГЛИКДА

6 градус 45 минут
6 градус 20 минут
8 градус 52 минут
9 градус 18 минут

ҒАРБИЙ УЗУНЛИКДА

154 градус 40 минут
153 градус 42 минут
152 градус 36 минут
153 градус 31 минутдан иборат тўғри бурчакни ўз ичига олган иккинчи районда 1968 йил 28 майдан бошлаб кемалар бемалол қатнаши ва самолётлар учаверуши мумкин.

ЙЎЛ РАВОН—МАНЗИЛ ЯҚИН

РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ВА ТАРАҚҚИЕТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

М. МИРЗААҲМЕДОВ.
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари.

Умумхалқ вазифаларини бажаришда автомобиль транспорти алоҳида ўрин тутади. Ҳозир халқ хўжалигининг транспортга боғлиқ бўлмаган бирон тармоғи йўқ десак хато бўлмас. Автомобиль транспортининг бетўхтов, саранжом-саришта ишлаши автомобиль хўжалигининг аҳволига ҳам боғлиқдир.

Шуни қайд этиш керакки, республикамизда йўл қурилиши сўнгги даврдагина равнақ топа бошлади. Якин-яқинларгача ҳам йўллар тармоғи у қадар тараққий этмаган эди. Етти йиллик бошланишига қадар ҳам тош йўллар техникавий нормалар талабига жавоб бермас ва уларни қайта қуриш зарурияти туғилган эди. Асфальт ётқизилган йўлларнинг узунлиги 3300 километр бўлиб, бу нари борса жами йўлларнинг 12 процентини ташкил этар эди. Йўл хўжалигининг ана шу аҳволи халқ хўжалигини ривожлантиришга салбий таъсир этмай қолмади, албатта.

Йўл қурилиши етти йиллик-мобайнида, айниқса тез суръатлар билан олиб борилди. Эндиликда колхозларнинг 90 фоизи, совхозларнинг 88 фоизи, пахта тайёрлов пунктларнинг деярли ҳаммаси асосий йўллар билан боғланган. Республикамиздаги Мўйноқ ва Томди районларини истисно қилганда ҳамма маъмурий районлар область марказлари билан равон йўллар орқали боғланган.

Йўл қурилиши кўлами ниҳоятда кенгайганлиги халқ хўжалигининг дастёри бўлган автомобиль транспорти ишини яхшилади, автомобилларнинг қатнов тезлиги ортди, уларнинг унумдорлиги кўтарилди. Автопарк сарф-харажатлари камайди.

Бу йил Тошкент айланма йўлининг биринчи навбати қуриб биказилиб, фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг ўзида транспорт алоқаларининг яхшиланишига ҳамда илгари Тошкент марказидан ўтадиган йўловчи автомобилларнинг ҳаракатини тартибга солишда муҳим омил бўлди.

Тошкент — Мирзачўл автомобиль йўли қурилмоқда. Ҳозир бу йўлнинг Тошкент — Чиноз участкаси тайёр бўлди. Нукус — Берхний — Тўрткўл (узунлиги 110 километр), Зарафшон трактининг жанубий қисми бўлган ҳамда узунлиги 36 километрга борадиган Олот — Аму — Бухоро каналининг бош иншоати йўли, шунингдек Ромитанни Свердлов билан, Шўрчини Бойсун билан, Хазораспни Янгибозор билан боғлайдиган равон йўллар ҳам, йўл қурувчиларнинг автотранспортчиларга муносиб совғасидир. 196 та йирик кўприк ҳам қуриб битказилди. 1047 километр узунликдаги йўллар реконструкция қилинди.

Гулистон, Яккабоғ, Қўрғонтепа, Беруний йўл қурилиши бошқармалари, Навоий, Фарғона, Қўқон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Китоб ҳамда Тошкент шаҳридаги йўл эксплуатацияси участкалари ҳамда Қўқон ва Тошкент кўприклар қуриш бошқармаларининг меҳнаткашлари айниқса ибрат кўрсатиб ишламоқдалар.

1967 йилда ҳам илгари бўлганидек республиканинг йўл хўжалиги комплекс тарзда тараққий этди. Магистрал йўллар билан бир қаторда бу йўлларни юк юборувчи ва юк қабул қилувчи ташкилотлар билан боғловчи йўллар қурилишига ҳам катта эътибор берилди. Шу боисдан ҳам республикадаги ҳамма магистрал йўллар ҳамма вақт қатновга шай қилиб қўйилган. Магистрал ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар билан бир қаторда колхозлар ва бошқа ташкилотлар хўжалик ичидаги йўллар қурилишига ҳам катта аҳамият бермоқдалар. **Шундай қилиб йўл қурилиши умумхалқ ишига айланиб кетган.**

Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлигида йўл ишларини тарғибга келтириш учун зўр бериб ишладилар. Бу областларда ҳашар йўли билан қисқа муддатларда асосий магистрал йўллар қурилди. Ҳозирги вақтда эса колхоз, совхоз ва пахта қабул пунктларига бориладиган йўллар қурилиши тугалланмоқда. Хоразм области меҳнаткашларининг ташаббусига қўшилган ва уларнинг тажрибасидан ўрганаётган Самарқанд областининг меҳнат аҳли ҳашар қилиб 219 километр узунликдаги йўлларни қурдилар. Эндиликда областдаги 125 колхознинг деярли ҳаммаси магистрал йўллар билан боғлангандир. Йўл қурилиш соҳасида Бухоро областида қилинган ишлар ҳам мақтовга арзийди. Бу ерда бир йилнинг ўзидаёқ 360 километр узунликдаги йўлларга асфальт ётқизилди. Ўтган йили республика йўл хўжалигида бир талай ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Йўлларни ремонт қилишни яхшилаш ва уларнинг аҳволини мунтазам кузатиб бориш мақсадида ҳамда йўл қурилишини кенгайтириш ниятида пудрат усулда ишлайдиган 30 та янги йўл ташкилотлари бунёд этилдиким, улар хўжалик ҳисобида ишлайдилар. Йўл қурилиши комбинати ҳам барпо этилди. Унинг қарамоғига ҳамма асфальт-бетон заводлари, йигма-бетон полигонлари бериб қўйилган. Шундай қилиб, йўл қурилишининг индустриал негизини бунёд этиш соҳасида дастлабки қадам ташланди.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг кейинги икки йилдаги ишини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, йўл қурилишини янада ривожлантириш соҳасидаги катта имкониятлар ва резервлардан яхши фойдаланилмаётир. Йўл хўжалиги тараққиётига ажратилган маблағларнинг кўп қисми фойдаланилмай қолмоқда. Кейинги икки йилнинг ўзидаёқ 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилмай қолиб кетди. Бу шундан далолат берадики, йўл қурилиши бўйича йиллик планлар министрликлар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига бажарилмоқда. Бевосита министрликка ажратилган маблағлар эса фойдаланилмай қолмоқда. Бу нотўғридир, албатта. **Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор бериш лари ҳамда йўл қурилишига давлат томонидан ажратилган маблағларнинг бошқа ишларга сарфланмасдан фақат йўл қурилишига харж қилинишига эришмоқлари даркор.**

Ўзбекистон йўл қурувчилари автомобиль йўллари ва бошқа иншоотлар қурилишида катта, бой тажриба тўпладилар. Шундай бўлишига қарамасдан айрим йўллар кўнгилдагидек қурилмаётир. Ишлар чала қолиб кетмоқда. Йўллар ва кўприкларга эътибор берилмаётир. Бунинг учун бир-иккита мисол келтириб ўтиш кифоя қилади. Тошкент — Оҳангарон — Қўқон йўлининг 90-километридан бошлаб тўрт чақрими батамом қаровсиз қолган. Лекин ана шу йўлдан ҳар куни йўловчилар ўтган автотранспорт ва юк автомобиллари узлуксиз ўтиб туради. Ана шу йўлнинг ёмонлиги туфайли қурилаётган энён ҳисоблаб чиқилса озмунча бўлмас эди, деб ўйлайман. Бунда йўлчиларнинг икки айби бор: биринчидан, йўлни ремонт қилиш муддатлари чўзиб юборилган. Иккинчидан, айланма йўл (объезд) қурилмаган.

Айрим йўллар ва кўприклар қурилиши ҳаддан ташқари кечиктириб юборилмоқда. Масалан, Оҳангарон шаҳрини четлаб ўтадиган йўл 12 йилда битиши лозим эди. Ҳозир қурилиш бошланганига 2 йилдан ҳам ошиб кетди, ҳамон иншоот поёнига кўринмаяпти. Бу шундан далолат берадики, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг раҳбарлари, йўл қурилиши ва хўжалик органларининг раҳбарлари янги йўллар қурилишига ғ ужу қилиб кетиб, сифатни кўздан қочирдилар. Янги йўлларнинг мустаҳкамлигига ва сифатига ҳеч эътибор берилмаётир. Ишлар чала қолиб кетмоқда. Йўллар ва кўприкларга эътибор берилмаётир. Бунинг учун бир-иккита мисол келтириб ўтиш кифоя қилади. Тошкент — Оҳангарон — Қўқон йўлининг 90-километридан бошлаб тўрт чақрими батамом қаровсиз қолган. Лекин ана шу йўлдан ҳар куни йўловчилар ўтган автотранспорт ва юк автомобиллари узлуксиз ўтиб туради. Ана шу йўлнинг ёмонлиги туфайли қурилаётган энён ҳисоблаб чиқилса озмунча бўлмас эди, деб ўйлайман. Бунда йўлчиларнинг икки айби бор: биринчидан, йўлни ремонт қилиш муддатлари чўзиб юборилган. Иккинчидан, айланма йўл (объезд) қурилмаган.

Айрим йўллар ва кўприклар қурилиши ҳаддан ташқари кечиктириб юборилмоқда. Масалан, Оҳангарон шаҳрини четлаб ўтадиган йўл 12 ойда битиши лозим эди. Ҳозир қурилиш бошланганига 2 йилдан ҳам ошиб кетди, ҳамон иншоот поёнига кўринмаяпти. Бу шундан далолат берадики, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг раҳбарлари, йўл қурилиши ва хўжалик органларининг раҳбарлари янги йўллар қурилишига ғ ужу қилиб кетиб, сифатни кўздан қочирдилар. Янги йўлларнинг мустаҳкамлигига ва сифатига ҳеч эътибор берилмаётир. Ишлар чала қолиб кетмоқда. Йўллар ва кўприкларга эътибор берилмаётир. Бунинг учун бир-иккита мисол келтириб ўтиш кифоя қилади. Тошкент — Оҳангарон — Қўқон йўлининг 90-километридан бошлаб тўрт чақрими батамом қаровсиз қолган. Лекин ана шу йўлдан ҳар куни йўловчилар ўтган автотранспорт ва юк автомобиллари узлуксиз ўтиб туради. Ана шу йўлнинг ёмонлиги туфайли қурилаётган энён ҳисоблаб чиқилса озмунча бўлмас эди, деб ўйлайман. Бунда йўлчиларнинг икки айби бор: биринчидан, йўлни ремонт қилиш муддатлари чўзиб юборилган. Иккинчидан, айланма йўл (объезд) қурилмаган.

Айрим йўллар ва кўприклар қурилиши ҳаддан ташқари кечиктириб юборилмоқда. Масалан, Оҳангарон шаҳрини четлаб ўтадиган йўл 12 ойда битиши лозим эди. Ҳозир қурилиш бошланганига 2 йилдан ҳам ошиб кетди, ҳамон иншоот поёнига кўринмаяпти. Бу шундан далолат берадики, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг раҳбарлари, йўл қурилиши ва хўжалик органларининг раҳбарлари янги йўллар қурилишига руж

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Ўзбекистонда тожикларнинг адабиёти ва санъати декадаси

Суҳайлий ЖАВҲАРИЗОДА.

ҚАЛАМ

Токи инсон фикри меҳнат уйига қўйди қадам,
Қўлига ижод учун аввал етиб келди қалам.
Сўнгра қоғоз пахтадеғ оппоқ юзли дилрабо,
Келдию берди қаламнинг кўзига нуру жило.
Шул замон қоғозни кўргач айлади бошини хам,
Упди ҳурмат бирла қоғознинг юзини у қалам.
Упди у гоят самимий севги бирла беғубор,
Гўё жонона лабидан ошиқи мафтуну зор.
Сўнгра дил сўзини у қоғозга изҳор айлади,
Меҳрибонликлар билан оҳанги гўфтор айлади.
Деди: эй, қоғоз, эрурсан маҳрами розим менинг,
Йўлларингга бошгинам бўлсин пояндозим менинг.
Сўзларимни нақш этарсан сен дилингга бирма-бир,
Бу ажойиб хислатинг қалбимни қилмишдир асир.
Сен дилимсан, сен тилимсан, эй, қадрдон қоғозим,
Сен ҳаётим, севгилим дилдору жонон қоғозим.
Фахр этарманки башар қўли билан бўлдинг бино,
Мен висолингга муяссарман, бу айни муддао.
Одамизод меҳнати гар бўлмаса эрди бу он,
Бўлмагай эрди муяссар менга васлинг ҳеч қачон.
Шул башардирки тилимни бўйла бурро айлади,
Сўз гурунгида ажойиб сухбаторо айлади.
Боиси шул: меҳнат аҳли мадҳини қилгум баён,
У яратди борлиғимни, у бағишлар менга жон.

Абдумалик БАҲОРЙЙ

ЁЗАЖАКМАН

Дединг: «Кўлдан буён ёзмайсан нега?
Игна билан қудуқ қазмайсан нега?
Қани у илҳоминг, жўшқин маҳалинг,
Шеъру қўшиқларинг, дилбар ғазалинг?
Қани қаламингнинг ёркин шўъласи,
Оромбахш мактубинг, ишқинг номаси?
Қани у завқу — шавқ, ўтдай ёнган пайт,
Нега сен бунчалар жимиб кетдинг, айт?
Эй шам, сенинг тилинг бунчалар узун,
Куйиб, яна нўнглим кўтармоқ нечун?
Ҳижрон кечасида қолдириб ёлғиз,
Нечун сабабини сўрайсан ҳаргиз?
Бир йил бўлиб қолди кетганингга ҳам,
Бу дардни куйлашим маҳолдир, эрнам.
Сенинг ҳажринг бўлди менга кўп оғир,
Қалам тушди бир кун қўлимдан охир.
Яна келдинг, келди руҳимга ором,
Хуш келдинг, пари деб аталган илҳом.
Энди неча кундуз ёзажакман мен,
Игна билан қудуқ қазажакман мен.
Замона завқини ёзаман энди.
Кўнгиллар шавқини ёзаман энди.
Энди ёзажакман диёр мадҳини,
Энди ёзажакман мардлар аҳдини.
Хуш келдинг, пари деб аталган илҳом,
Сўз булбули менга энди бўлди ром.

Барот БОЙКОБИЛОВ таржимаси

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ШОДЛИГИМ ЧЕКСИЗ

Лутфи ЗОҲИДОВА, СССР халқ артистаси, Давлат мукофоти лауреати, Қуёшли Ўзбекистонда санъатсевар ўзбек халқининг азиз меҳмони бўлдик. 10 кун мобайнида биз — тожик санъаткорлари ўзимизнинг тоғ ўлкасидан олиб келган тароналаримизни, жўшқин куй ва қўшиқларимизни ўзбек биродарларимизга намойиш этдик.

Ўзбек ва тожик халқининг дили дилига пайванд бўлиб кетган. Мен сўлим ўзбек диёрига бир неча бор меҳмон бўлиб келганман. Бу ерда энг якин ҳамкасбларим бор. Атоқли санъаткорлардан Ҳалима Носирова, Галия Измайлова, Клара Юсуповаларнинг номларини фахр билан тилга оламан. Биз декада кунлари Тошкент областининг Оққўрғон, Янгийўл, Урта-Чирчиқ ва қатор бошқа район ва шаҳарларида бўлиб, концертлар бердик.

ПАЙВАНД ДИЛЛАР МАДҲИ

Аҳмад БОБОҚУЛОВ, Тожикистон ССР халқ артисти, Рўдаки мукофоти лауреати

Декадамиз нутқанимиздан ҳам баланд руҳда ўтди. 10 кун давомида биз — тожик санъати ва адабиёти ваниллари меҳрибон ва меҳмондўст ўзбек халқининг қалб меҳридан сув ичдик, табассуми ва шодлигига шерик бўлдик. Мен санъатнор сифатида шуни айтаманки, декадамиз катта муваффақият нозонди. Ўзбек томошабинлари бизларни севиб, ардоқлаб қарши олдилар, томошаларимизни, концерт ҳамда ҳар бир чиқишимизни синчковлик билан кузатиб туришди, муваффақиятларимизни эъзозлашди.

БИРОДАР ТОЖИКИСТОН

Завқи жаҳон надорад бе дўст зиндагонй,
Бе дўст зиндагони завқи жаҳон надорад.

ҲОФИЗ.

(ШИРИНАК)

Хушо, дўстони азиз,
Атир бўстони азиз,
Тоза осмони азиз,
Мирзо достони азиз,
Биродар Тожикистон!
Одати яксондошта,
Ўзбек — тожик бир ёшда,
Хўб ўхшаш кўзу қошда,
Бир иссик қуёш бошда,
Биродар Тожикистон!
Соҳиби сухан Жомий,
Ҳай-ҳай, олий маноми,
Енкаш Навоий номи,
Иккисин яқин томи,
Биродар Тожикистон!
Парвози баланд дода,
Номига пайванд «зода»,
Илгида гулгун бода,
Терлари шода-шода,
Биродар Тожикистон!
Ба идрони маоний,
Жоним ичида жони,
Қонга аралаш қони,
Ўртада дастурхони,
Биродар Тожикистон!
Як дарьё обнўшида,
Бир онанинг тўшида,
Бир хаёл эс-ҳушида,
Бир маза ёг-гўшида,
Биродар Тожикистон!
Дўсту ҳамсояи мо,
Бир байрон тагида жо,
Бир манглайда туташ ё,
Тожиҳ,ою ўзбекҳо,
Биродар Тожикистон!
Мурги сухандонам ман,
Улфат-ла ҳандонам ман,
Бир Бедилхон — ёнам ман,
Юранка инонам ман,
Биродар Тожикистон!
Зиндабод халқи ягдил,
Зиндабод омухта тил,
Зиндабод бирлашган қўл,
Зиндабод туташган йўл,
Биродар Тожикистон!

Султон АКБАРИЙ.

Тирғали мамлакатларда

ПАРИЖ. «Рено» автомобилсозлик заводининг ишчиларидан 10 минг киши иш ташлади. Улар иш ҳақини ошириш, иш вақтини қисқартириш, касаба союз ҳаранатига кенгроқ эркинлик беришни талаб қилмоқдалар. Суратда: корхона цехларидан бирида ўтказилаётган митинг.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

● ЧИЛИ

САНТЬЯГО. Иш ҳақининг камлиги ва меҳнат шароитининг қониқарсиз бўлишига қарши норозилик билдириб, бундан икки ойча илгари эълон қилинган забастовка Чили бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчиларининг галабаси билан тугади. Якинда Чили ўқитувчилари федерацияси раҳбарлари билан ҳукмрон христиан-демократик партия раиси ўртасида битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ ўқитувчиларнинг иш ҳақи оширилади.

Чили ўқитувчилари олиб борган узоқ ва шиддатли курашда уларни Чили меҳнаткашларининг ягона марказига кирувчи касаба союзлар, ишчилар, студентлар қўллаб-қувватладилар.

● ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ

БОНН. Рейнхаузендаги Крупп концернига қарашли иккита металлургия заводида тўрт ярим соат давомида иш тўхтаб қолди. Ишчилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, забастовка ўтказдилар.

● ЗАМБИЯ

ЛУСАКА. Брокен тогидаги кўрғошин ва рух конларида иш тўхтаб қолди. Замбия кончиларидан 2 мингдан кўпроқ киши иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб этиб, забастовка эълон қилди. Иш ташловчилар конлар маъмуриятига ўз талабномаларини топширдилар.

● ЦЕЙЛОН

КОЛОМБО. Меҳнат департаменти ва унинг Цейлондаги бўлимлари хизматчилари забастовка бошладилар. Улар иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида ҳукумат бундан анча илгари берган ваъдани бажаришни талаб қилмоқдалар.

Сўнгги ярим йил ичида ороллар кўпгина категориядаги ишчи ва хизматчилар иш ташладилар. Улар асосан иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

„КУЛ ОСТИДАГИ ЧЎҒ“

КИНО

Бешик тўйига одам кўп йиғилган. Зиёфат авжида. Болалар қийчув билан ҳамма ёқни тўлдирган. Хомталаш пайтида шўҳчанг бола Рустамга етиб олган зумрашалар унинг кокилидан тортиб йиғлатиб, қўлидан нонни олиб қочадилар. Бу кўрликдан изтиробга тушган бола уйига жўнайди. Ҳамма ўғил болаларда соч ўғуғ, нега у кокилини олдирмайди. Рустам онасининг бағрига келиб йиғлайди. Она бечора назир аталган қора қўйни шайхга элтиб бермагунча Рустамнинг кокилини кирқиш мумкин эмаслигини айтади. Рустам Қумри опанинг узоқ йиллар фарзанд тилаб, изтироб чекиб, шайхларнинг остонасини ялаб кўрган ўғли, қўзининг оқи-қораси, яккаю-ягонаси. Бунинг устига ўзи хаста. Қўйни топиб шайхлардан дуо олсаю, боланинг назир сочини қирқиб маломатдан қутилса...

Бу таъсирли эпизод «Тожикфильм» ижодкорлари томонидан яратилган ва декада кунлари экранларимизга чиқиб «Кул остида чўғ» фильмининг дастлабки кадрларида моҳирона талқин қилинган. Ҳамон баъзи одамларнинг колоқлигидан фойдаланган дин арбоблари хурофот ва бидъатлардан усталик билан фойдаланиб, уларнинг онгини заҳарлаб, ҳаётини ана шундан кулфатли ва аламли ҳолатга тушириб қўйишга уринадилар. Қумри опа билан Рустамнинг бундай аянчли аҳволига ачинасан киши. Хаста она боласини бу аҳволда кўриб ич-ичидан куйинади ва ана шу ғам-ғусса ўтида қовурилиб маккор ва инсофсиз Нуриддин Ҳожи зулмидан бошқа қутқа етади ва охири ўлиб кетади. Бунда ҳозирги замонга мослашган ва одамларнинг эркин эътиқодига кенг йўл очилганидан усталик билан фойдаланган қабиҳ Нуриддиннинг кирдикорлари аста-секин фош қилиниб боради.

Сценарий муаллифи Муҳиддин Ҳўжаев билан постановкачи режиссер Абдусалом Раҳимов бу асарларида ҳозирги замон шароитига мослашган ва дин номидан иш кўрувчи худбин бир маккор шахснинг содда одамлар бошига қанчалик оғир фалокат келтиришини моҳирона талқин қилиб берганлар. Одамлар энди диний эътиқодларга ва ҳурофатларга унча эътибор қилмай қўйган ҳозирги шароитда дин номидан иш кўрувчи муттаҳамларнинг кирдикорларига бепарво қараш хатодир. Ахир, «кул босган чўғга» қўлингизни урсангиз қақшаб қоласиз. Нуриддин Ҳожи домига илинган Қумри билан Рустамлар ҳам қақшаб қолдилар. Она ҳасратда ўлиб кетди. Рустам эса тенгдошларининг ҳақоратли сўзларидан, дашномлардан гангиб, ўқишни ҳам тарк этиб, Ҳожининг уйида рўшнолик кўрмасдан юришга мажбур бўлади. Воқеалар давомида Рустам онгида ўзини ҳаммага меҳрибон, ҳудожўй деб таништирган отаси Нуриддин Ҳожига нисбатан нафрат уйғонади. Ҳожи уни узоқ бир жойга яшириб, онасига ҳам кўрсатмай қўяди, мактабдан маҳрум қилади. Ўртоқларидан, ёруғ дунёдан, бахтли болаликдан жудо этади. Секин-аста Рустам қалбида тугёнга келаётган норозилик ва нафрат туйғулари бирдан ҳаракатга келади. Қўчадан қабристон томон бораётган мазрака кетидан отилган Рустам онасининг ўлганини билади. У қабр устида аччик кўз ёшларини тўкиб, фарёд чекар экан, бамайлихотир келаётган Ҳожига кўзи тушади, волидасининг мурдасига қўйноқчи бўлган бир сиқим тупроқни жоҳил ота юзига сепади. Ўртада шармандаси чиққан Ҳожи одамлар орасидан сирғалиб чиқиб кетади... Бу эпизод анча таъсирли бўлиб, фильмнинг ғоясини яққол ифода қилади. Одамларнинг ҳаётини заҳарлаган киши жамиятда яшаши мумкин эмас. Ҳожи одамларнинг қаҳру-ғазабига учрайди.

Таниқли артист Г. Тонунц яратган Ҳожи Нуриддин қиёфаси ўзининг оригинал томонлари билан ажралиб туради. Ҳожи жаҳонгашта одам. Муридларининг дилини овлайди. Хатто мартабали одамлар доирасида обрў ҳам қозонган. «Волга» машинаси бор. Қасрдек бир ҳовлида тўпланган бойликлари билан жуда ҳам бадавлат турмуш кечиради. Холодильникдан тортиб, телевизоргача техниканинг ҳамма мўъжизаларидан баҳраманд. Лекин шунга қарамай, ўзининг қабих ишларини давом эттиради. Нажот истаб келган Қумрини авраб, унга ўғил «ато» қилади. Кейин никоҳсиз туғилган ўша Рустамни ўз уйига олиб кетади. Унга меросхўр, ўз ишларининг давомчиси керак эди. Уйидаги кизини остона ҳатлатиб ташқарига чиқартирмайди, унинг кўнгли билан ҳисоблашмасдан бойваччароқ бир одамга зўрлаб беради. У хатто мактаб ўқитувчиси Сафоев, директори Сангинов кабилар билан баҳслашда голиб ҳам чиқади. Артист бу образнинг бутун моҳиятини очиб беради. Лекин айрим ўринларда мусулмонча урф-одатларни яхши билмаганлиги ва изчиллик билан бажармаганлиги сезилиб туради. Бу эса образ ҳаттиҳаракатларининг ҳаққониятига путур етказади.

Артистка Тамара Кокова ҳимоясиз, рўшнолик кўрмай истироб чекиб азобланган Қумрининг ҳолатларини таъсирли талқин қилган. Еш актёр М. Ирматшоев яратган Рустам образи ўзининг табиий қиёфалари ва ҳис-туйғулари билан, ҳаракатларининг аниқлиги билан томошабинда яхши таассурот қолдиради. Тошкентлик актёр Ўлмас Аҳмўҳажаев маккор Ҳожи чангалига тушган Рустамнинг тақдирини енгиллаштириш учун курашувчи ёш ўқитувчи Сафоев образини яратган.

Яна фильмда таниқли тожик актёрларидан А. Қосимов (Сангинов), С. Тўйбоева (маккор ва жоҳил хотин Ҳолима), И. Ҳўжаева (тўткинда ўсган қиз Малоҳат) ва бошқалар ҳам ўз ролларини дуруст бажаришган.

Рассом Турғун Мирзахонов билан оператор Александр Панасюк ҳозирги тожик қишлоғи лавҳаларини ва унда кечадиган драматик кураш эпизодларини ифодали намойиш қилганлар.

Фильм умуман муваффақиятли чиққан. Айрим ўринларда эпизодларнинг сust бўлиши, диалогларнинг мазмунан бўшлиги, чўзилиб кетганлиги, сюжетнинг сust ривожланиши сезилса ҳам, фильм қизиқиш билан томоша қилинади. Бу асар диний ақидаларга қарши курашимиз арсеналидан муносиб жой олади.

М. ЯҲЕЕВ.

НИҲОЯТ, ҒАЛАБА

Футбол

Бу ғалабани ўзбекистонлик футбол ишқибозлари роса икки ой кутишган эди. Ниҳоят ўнинчи ўйинда «Пахтакор» мухлисларини хурсанд этди. У ўтган сешанба куни Ереваннинг «Арарат» командасини қабул қилди, рақибларга дарвозасига тўртта жавобсиз гол киритди.

Ҳисоб ўйиннинг йигирма иккинчи минутида очилди. Бурчакдан Эрнин Абдуранмов ошириб берган тўпни Равшан Юнусов бош билан дарвозага йўналтирди. Қолган уч тўп танаффуздан сўнг урилди. Учовини ҳам Эркин Абдуранмов киритди.

Шу куни мамлакатнинг яна 8 та шаҳрида СССР биринчилиги мусобақалари қўйилиб ўтди. Уларнинг натижалари қуйидагича: «Динамо» (Москва) — «Торпедо» (Москва) — 3:5, «Динамо» (Минск)-«Динамо» (Киев) — 0:0, «Нефтчи»-«Спартак» — 2:1; «Шахтёр»-СКА — 1:1; «Қайрат»-«Динамо» (Тбилиси — 0:0; «Заря»-«Торпедо» (Кутаиси) — 0:1; «Зенит»-«Черноморец» — 1:1; «Динамо» (Кировобод)-«Локомотив» (Москва)— 0:1.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Командалар	Ўйин	тўплар	очко
1. «Динамо» К.	11	13—5	15
2. «Спартак»	10	18—8	15
3. «Торпедо» М.	10	17—9	13
4. «Кр. Советов»	10	9—4	13
5. «Локомотив»	10	12—7	13
6. «Нефтчи»	10	10—4	12
7. «Динамо» Тб.	10	8—4	12
8. ЦСКА	10	9—7	11
9. «Черноморец»	10	11—11	11
10. «Шахтёр»	10	8—9	11
11. «Динамо» Мн.	10	7—5	10
12. «Зенит»	10	8—11	9
13. «Торпедо» Кт.	11	10—15	9
14. «Заря»	11	6—13	9
15. СКА	10	12—16	8
16. «Арарат»	10	8—12	7
17. «Пахтакор»	10	10—15	7
18. «Динамо» М.	11	9—15	7
19. «Қайрат»	10	6—12	6
20. «Динамо» Кд.	10	4—13	5

ВАҲШИЁНА БОМБАРДИМОН ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ, 28 май. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг 20-параллелдан жанубда, аҳоли зич яшайдиган районларига ваҳшиёна ҳужумни давом эттирмоқдалар.

Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Америка агрессорларининг самолётлари 1 апрелдан 20 майгача Нгеан вилоятидаги аҳоли яшайдиган пунктларга салкам 100 марта ҳужум қилдилар. Америка авиацияси нинг «на шу ҳаракатлари натижасида тинч аҳолидан неча юзлаб киши ўлдирилди, кўпгина муассасалар, саноат корхоналари, мактаб ва турар-жойлар вайрон қилинди.

Америка ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари 16 майда Хунгнгуен районида маҳаллий кишилар яшлаб турган далага бомбалар ташлашди. Бомбардимон натижасида тинч аҳолидан 80 га яқин киши ўлдирилди ва ярадор қилинди.

Америка агрессорларининг самолётлари Намдан, Нгхилок районлари ва бошқа районлар даги аҳоли яшайдиган пунктларни ҳам бомбардимон қилдилар.

ОЛИМЛАР ОЛҚИШИ

УЧРАШУВЛАР

Тожик адабиёти ва санъати декадаси қатнашчиларининг Ўзбекистон ССР фанлар академияси олимлари билан самимий учрашуви халқлар дўстлигининг ёркин намойишига айланди.

Фанлар академиясининг конференц зали математиклар, химиклар, физиклар, адабиётшунослар, иктисодчилар, тарихчилар, археологлар ва бошқа кўпгина ихтисосларга мансуб олимлар билан лиқ тўлди. Тожикистон фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори Носиржон Маъсумий, Тожикистон фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Сотим Улуғзода, Тожикистон Давлат университетининг профессори Шарифжон Ҳусайнзода учрашувда сўзга чиқиб, қардош республика олимлари ва ёзувчиларининг ишлари тўғрисида гапириб бердилар, ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг чуқур тарихий илдизлари борлигини айтиб ўтдилар.

Еш тожик шоираси Мавжуда Ҳакимова ўз шеърларини ўқиб берди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими П. Шамсиев меҳмонларга сидқидилдан айтилган табрик сўзлари билан мурожаат қилди. Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов меҳмонларга қизғин ташаккур изҳор қилди. У, Тожикистон вакилларига ваъда бериб, Ўзбекистон олимлари қардош республикалар олимлари билан дўстликни янада мустаҳкамлаш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрадилар, деди.

Тожикистон адабиёти ва санъати декадасининг қатнашчиларига Ўзбекистон олимларининг асарлари шу учрашув тўғрисидаги эсдалик тариқасида тортиқ қилинди.

Учрашувда Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Н. Раҳимова, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Каримова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов ҳозир бўлишди.

Учрашув охирида қардош Тожикистон артистлари концерт беришди.

(ЎзТАГ).

ЖАНГЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент гарнизонининг жангчилари Тожикистондан келган меҳмонларни 28 май кечкурун хурсанд бўлиб кутиб олишди. Адабиёт ва санъат декадаси қатнашчилари округ Офицерлар уйига келиб, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихий музейини кўришди. СССР Қуролли Кучларининг шонли отряд лари дан бирининг жанговар шуҳратини эслатиб турган ва ҳар бир совет кишисига қадрли бўлган жуда кўп ноёб буюмларнинг кўргазмаси меҳмонларни гоят қизиқтирди.

Ҳарбий бўлинмаларнинг вакиллари Офицерлар уйининг театр залида тўпланишди. Ҳарбий совет аъзоси, Туркистон Ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал майор А. В. Дебалюк кечани очиб, декада қатнашчиларини қизғин табриклади, солдат ва офицерларнинг Тожикистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидаги маданият арбоблари билан анъанавий дўстлиги ҳақида гапирди уларга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Тожикистон ССР маданият министрининг биринчи ўринбосари Х. Ш. Шарипов кечада нутқ сўзлаб, «Биз, сизларга қалбимизнинг — ҳароратини, республика меҳнаткашларининг қардошлик саломини келтирдик», деди. У, буюк тожик шоири Рўдакий туғилган кунининг 1100 йиллигини нишонлаб чиқарилган эсдалик медали Округ офицерлар уйига тортиқ қилди.

Офицер В. К. Коваль меҳмонларни гарнизон жангчилари номидан табриклади.

Кеча қатнашчилари Тожикистон Ёзувчилар союзининг раиси, Ленин мукофотининг лауреати Мирзо Турсунзоданинг нутқини қизғин кутиб олдилар. Унинг жангчиларга қаратилган сўзлари СССР халқларининг йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган дўстлигига, қардош маданиятларнинг бир-бирини бойитаётганлигига бағишланди.

Декада қатнашчиларига «Туркистон ҳарбий округининг 50 йиллиги» нишонлари, эсдалик ёрлиқлар тақдим этилди.

Кеча охирида бўлган концертда Тожикистон санъат усталари қатнашди. (ЎзТАГ).

ҚАРДОШ ТОЖИКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕДАКЦИЯСИДА

Республикамиз бўйлаб катта йўллар босиб халқимизнинг азиз меҳмони бўлган тожик қардошларимиз кеча «Совет Ўзбекистони» мехмони бўлдилар.

Меҳмонларни журналистлар қизғин кутиб олишди. Шундан сўнг тожикистонлик дўстларимиз республикамизда олган ўз таассуротларини матбуот даргоҳида сўзлаб бердилар.

Биз, дейди Сотим Улуғзода, Ўзбекистонни Тожикистондек севамиз. Биз бу ерда қариб бир ҳафтадан бери кўп нарсаларни кўрдик. Саҳий дастурхон атрофида дўстлар билан самимий, қизғин суҳбат қилдик.

Ж. Икромий ўз сўзини адабиёт ва матбуот ходимларининг дўстлигига қаратди.

Шоирлардан М. Миршакар, Аминжон Шукуҳий қондошлик, дўстлик, биродарлик ҳақида юрак сўзларини айтишди.

Академик-шоир Мирзо Турсунзоданинг юрак сўзларини журналистлар диққат билан тингладилар.

Мирзо Турсунзода классик адабиётни ўрганишда ҳамкорлик билан иш олиб бориш, тожик ва ўзбек совет адабиётини халқларимизга баробар етказиб бериш кераклиги ҳақида қимматли таклифларни айтди.

Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Комил Яшин, Ўзбекистон ССР халқ шоири Ўйғун қатнашдилар.

«Совет Ўзбекистони», «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Тошкент ҳақиқати» газеталари коллективлари қатнашган бу учрашув журналистларда катта таассурот қолдирди.

Суратда: тожик адабиёти ва санъати вакилларидан бир группаси.

И. Глауберзон фотоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

1968–69 ЎҚУВ ЙИЛИГА СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 10)

Кундузги ўқишга:

Металларни қирқиш йўли билан ишлаш; асбобсозлик ишлаб чиқариш; саноат ускуналарини монтаж ва ремонт қилиш; самолётсозлик; ҳисоблаш ва ҳисоблаш — аналитик машиналарни эксплуатация ва ремонт қилиш; машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш.

Кечки ўқишга:

Металларни қирқиш йўли билан ишлаш; асбобсозлик ишлаб чиқариш; саноат ускуналарини монтаж ва ремонт қилиш; тўқимачилик корхоналари машиналари ва ускуналари; самолётсозлик; ҳисоблаш ва ҳисоблаш — аналитик машиналарни эксплуатация ва ремонт қилиш; машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш.

Сиртқи ўқишга:

Металларни қирқиш йўли билан ишлаш; асбобсозлик ишлаб чиқариш; машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри; пролетар кўчаси, 26)

Кундузги ўқишга:

Металларни қирқиш йўли билан ишлаш; тикув фабрикалари машиналари ва ускуналари; мебель ишлаб чиқариш; тикувчилик ишлаб чиқариши, чарм буюмлар технологияси; юқори матбаа технологияси; пойафзални моделлаштириш ва чармни бадиий безаш; устки кийимни моделлаштириш ва конструкциялаш; пойафзал фабрикалари машиналари ва ускуналари; брошюра-муқовасозлик ишлаб чиқариши технологияси; полиграфия машиналари ва ускуналари.

Кечки ўқишга:

Металларни қирқиш йўли билан ишлаш; тикув фабрикалари машиналари ва ускуналари; мебель ишлаб чиқариш; тикувчилик ишлаб чиқариши; тўқувчилик ишлаб чиқариши; чарм буюмлар технологияси; устки кийимларни моделлаштириш ва конструкциялаш; ип йигириш ишлаб чиқариши.

Сиртқи ўқишга:

Мебель ишлаб чиқариши; тикувчилик ишлаб чиқариши, чарм буюмлар технологияси

БЕКОБОД ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(Бекобод шаҳри Николаев кўчаси, 18)

Кундузги ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари; металлни ишлаш станоклари ва автомат линияларини монтаж ва эксплуатация қилиш; тўқима материаллар технологияси;

Кечки ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари; пўлат ишлаб чиқариш; металлни ишлаш станоклари ва автоматик линияларни монтаж ва эксплуатация қилиш; саноат ва граждан қурилиши;

Сиртқи ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмалар электр ускуналари.

ҚЎҚОН КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(Қўқон шаҳри К. Маркс кўчаси, 45)

Кундузги ўқишга:

Биноларни техника жиҳатидан эксплуатация қилиш; газ хўжалиги; сув таъминоти; саноат ва оқар сувларни канализация қилиш ва тозалаш; водопровод ва канализация тармоқлари ҳамда иншоотлари қурилиши; коммунал хўжалик корхоналарида планлаштириш.

Кечки ўқишга:

биноларни техника жиҳатдан эксплуатация қилиш

Сиртқи ўқишга:

Биноларни техник жиҳатдан эксплуатация қилиш; газ хўжалиги; водопровод ва канализация тармоқлари ҳамда иншоотлари қурилиши; коммунал хўжалик корхоналарида планлаштириш.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, Бабушкин кўчаси 4)

Кундузги ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмалар электр ускуналари; сварка ишлаб чиқариш технологияси; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари машиналари ва ускуналари; холодильник — компрессор машиналари ва қурилмалари.

Кечки ўқишга:

Электростанциялар, тармоқлари ва системалари; саноат корхоналари ва қурилмалар электр ускуналари; металларни қирқиш йўли билан ишлаш, сварка ишлаб чиқариш технологияси; холодильник — компрессор машиналари ва қурилмалари; контроль — ўлчагич инструментлари ва асбоблари ишлаб чиқариш; кабеллар ва симлар ишлаб чиқариш; ярим ўтказгич асбоблар ишлаб чиқариш.

Сиртқи ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмалар электр ускуналари.

ТОШКЕНТ КИНОТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, М. Горький кўчаси 183).

Кундузги ва сиртқи ўқишга:

Кино установкалар ускуналари.

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ТЕХНИКУМИ.

(Олмалиқ шаҳри, Советская кўчаси 26).

Кундузги ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари;

Нодир ва оғир, рангли металлар металлургияси; сочма конларни ишлаш;

Кечки ўқишга:

Нодир ва оғир, рангли металлар металлургияси; саноат корхоналари ва қурилмаларининг электр ускуналари.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32).

Кундузги ўқишга:

Архитектура: саноат ва граждан қурилиши; қурилиш деталлари, темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш; биноларнинг санитария-техника қурилиши; инженерлик геодезияси.

Кечки ўқишга:

Саноат ва граждан қурилиши; гидротехника қурилиши; биноларнинг санитария-техника қурилиши;

Сиртқи ўқишга:

Саноат ва граждан қурилиши; биноларнинг санитария-техника қурилиши;

УРГАНЧ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Урганч шаҳри; Ленин кўчаси 20).

Кундузги, кечки ва сиртқи ўқишга:

Саноат ва граждан қурилиши;

Кундузги ўқишга:

Биноларнинг санитария-техника қурилиши;

БУХОРО ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Бухоро шаҳри, Промышленная кўчаси, 26).

Кундузги, кечки ва сиртқи ўқишларга:

Саноат ва граждан қурилиши;

Кундузги ўқишга:

Биноларнинг санитария-техника қурилиши;

АНДИЖОН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Андижон шаҳри, Свобода кўчаси 193).

Кундузги ва кечки ўқишларга:

Саноат ва граждан қурилиши; қурилиш деталлари ва темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш; биноларнинг санитария ва техника қурилиши; қурилиш машиналари ва ускуналари.

Кундузги ўқишга:

Саноат ва граждан қурилиши; қурилиш машиналари ва ускуналари; биноларнинг санитария-техника қурилиши.

ТЕРМИЗ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Термиз шаҳри, Октябрь кўчаси, 152 «а»).

Кундузги ва сиртқи ўқишларга:

Саноат ва граждан қурилиши;

Сиртқи ўқишга:

Электростанциялари, тармоқлари ва системалари;

НУКУС ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Нукус шаҳри, М. Горький кўчаси, 110).

Кундузги, кечки ва сиртқи ўқишларга:

Саноат ва граждан қурилиши

Кундузги ўқишга:

Биноларнинг санитария-техника қурилиши.

МАРҒИЛОН ПЛАН ИҚТИСОД ТЕХНИКУМИ

(Марғилон шаҳри, Ўзбекистон 25 йиллиги кўчаси, 135).

Кундузги ўқишга:

Қурилишда планлаштириш; бухгалтерия ҳисоби; савдода бухгалтерия ҳисоби, ҳисоблаш ишлари ҳисобини механизациялаштириш.

Кечки ўқишга:

Қурилишда планлаштириш; бухгалтерия ҳисоби.

Сиртқи ўқишга:

Қурилишда планлаштириш; товаршунослик ва озиқ-овқат товарлари савдосини ташкил этиш; бухгалтерия ҳисоби; савдода бухгалтерия ҳисоби; товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш;

ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 25).

Кундузги, кечки ва сиртқи ўқишларга:

Товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш; товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш; таом тайёрлаш технологияси;

Кундузги ўқишга:

Китоб товаршунослиги.

САМАРҚАНД ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНИКУМИ

(Самарқанд шаҳри, Оғалиқ кўчаси, 2).

Кундузги ўқишга:

Корхоналар, новвойхоналар, макарон ва кондитер саноати машиналари ва ускуналари; новвойхона ишлаб чиқариши; консервалаш технологияси; сут маҳсулотлари технологияси; озиқ-овқат саноати корхоналарида планлаштириш; консерва саноати машиналари ва ускуналари;

Кечки ўқишга:

Корхоналар ва новвойхоналар, макарон ва кондитер саноати корхоналарининг машиналари ва ускуналари.

Сиртқи ўқишга:

Новвойхоналар, макарон ва кондитер саноати корхоналарининг машиналари ва ускуналари; новвойхона ишлаб чиқариши; виночилик технологияси; консервалаш технологияси.

ЛЕНИНСК СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

(Ленинск шаҳри, Киров кўчаси, 11).

Кундузги ва сиртқи ўқишларга

Товаршунослик ва саноат моллари савдосини ташкил этиш. Товаршунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш.

ЧИРЧИҚ ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(Чирчиқ шаҳри. Юқори Социалистик шаҳарча. Коммунистическая кўчаси, 11).

Кундузги ўқишга

Электр станциялари, тармоқлари ва системалари; электро-теплотехника ўлчовлари; қишлоқ хўжалик машиналари; электр машинасозлиги; минерал ўғитлар ва кислоталар технологияси; аналитик химия; саноат корхоналари ва қурилмаларининг электр ускуналари.

Кечки ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмаларининг электр ускуналари; металларни қирқиш йўли билан ишлаш; химия машинасозлиги; электр машинасозлиги; минерал ўғитлар ва кислоталар технологияси.

Сиртқи ўқишга:

Электр станциялари, тармоқлари ва системалари; саноат корхоналари ва қурилмаларининг электр ускуналари; қишлоқ хўжалик машиналари; минерал ўғитлар ва кислоталар технологияси.

НАМАНГАН ТЎҚИМАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 17).

Кечки ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмаларининг электр ускуналари; ип-йигирув ишлаб чиқариши, газламани пардозлаш.

Кундузги ва кечки ўқишларга:

Тўқувчилик ишлаб чиқариши.

ОҲАНГАРОН КОН-ГЕОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

(Оҳангарон шаҳри, Комсомол кўчаси, 1).

Кундузги ўқишга

Фойдали қазилма конлари геологияси, излаш ва разведка қилиш фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари; гидрогеология ва инженерлик геологияси; фойдали қазилма конларини разведка қилиш техникаси; Қозон ва буғ-турбина қурилмалари.

Кечки ўқишга:

Фойдали қазилма конларини очиқ ҳолда ишлаш; кон электро-механикаси.

Сиртқи ўқишга:

Фойдали қазилма конлари геологияси, излаш ва разведка қилиш; фойдали қазилма конларини излаш ва разведка қилишнинг геофизик методлари; тоғ электромеханикаси.

ЯНГИЙЎЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНИКУМИ.

(Янгийўл шаҳри, Виноградная кўчаси, 45).

Кундузги ўқишга

Ачитқи ишлаб чиқариш; ўсимлик мойлари технологияси; кондитер ишлаб чиқариш; гўшт ва парранда маҳсулотлари технологияси; кондитер ишлаб чиқариш.

Сиртқи ўқишга:

Кондитер ишлаб чиқариш; ўсимлик мойлари технологияси.

БУХОРО КОН-ГЕОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

(Бухоро шаҳри, Ульянов кўчаси, 26).

Кундузги ўқишга

Нефть ва газ конларининг геологияси ва унинг разведкаси; нефть ва газ қудуқларини пармалаш; нефть ва газ қудуқларини эксплуатация қилиш; қудуқларни тадқиқот қилишнинг геофизик методлари.

АНДИЖОН ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

(Андижон шаҳри, Киров кўчаси, 23)

Кундузги ўқишга

Саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари; сварка ишлаб чиқариш технологияси; йўл машиналари ва ускуналари; электр аппаратсозлиги.

Кечки ўқишга:

Электр аппаратсозлиги.

АНДИЖОН ПАХТА ТОЗАЛАШ ТЕХНИКУМИ

(Андижон шаҳри. Луначарский кўчаси, 4).

Кундузги ўқишга:

Пахтага дастлабки ишлов бериш ишлаб чиқариши ускуналари ва технологияси; пахтага дастлабки ишлов бериш; пахта товаршунослиги:

Кечки ўқишга:

Пахта товаршунослиги; пахтага дастлабки ишлов бериш;

НУКУС ЭНЕРГЕТИКА ТЕХНИКУМИ

(Нукус шаҳри, Горький кўчаси, 179).

Кундузги ўқишга

Электростанциялари, тармоқлари ва системалари; реле ҳимояси ва энергосистемалар автоматикаси; қозон ва буғ-турбина қурилмалари.

Кечки ўқишга:

Электростанциялари, тармоқлари ва системалари; қозон ва буғ-турбина қурилмалари.

Сиртқи ўқишга:

Электростанциялари; тармоқлари ва системалари.

ФАРҒОНА КЕЧКИ ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНИКУМИ

(Фарғона шаҳри, Толстой кўчаси, 12).

Кечги ўқишга:

Холодильник — компрессор машиналари ва қурилмалари; тўқувчилик ишлаб чиқариши; саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари; енгил саноат корхоналарида планлаштирмш; трикотаж ишлаб чиқариши; пахта йигириш ишлаб чиқариши.

СИРТҚИ ЎҚИШГА:

Саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари; пахта йигириш ишлаб чиқариши.

САМАРҚАНД КЕЧКИ ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(Самарқанд шаҳри, Оғалиқ кўчаси, 2).

КЕЧКИ ЎҚИШГА

Минерал ўғитлар ва кислоталар технологияси; автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш; автомобиль транспортини эксплуатация қилиш.

Сиртқи ўқишга:

Электростанциялари, тармоқлари ва системалари; тикувчилик ишлаб чиқариши.

Кечки ва сиртқи ўқишларга:

Саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари; металларни қирқиш йўли билан ишлаш; саноат ва граждан қурилиши.

КАТТАҚУРҒОН КЕЧКИ ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(Каттақўрғон шаҳри, Толстой кўчаси, 69).

Кечки ўқишга:

Электр станциялари, тармоқлари ва системалари; саноат ва граждан қурилиши; автомобиль транспортини эксплуатация қилиш;

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Фарғона область, Қирғили посёлкаси, Колхозная кўчаси, 15).

Кундузги ва сиртқи ўқишларга:

Пахтани дастлабки ишлаш; пахта товаршунослиги.

Кундузги ва кечки ўқишларга:

Саноат корхоналари ва қурилмаларининг электр ускуналари:

МАРҒИЛОН КЕЧКИ ТЎҚИМАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Марғилон шаҳри, Киров кўчаси, 6).

Кечки ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари; пилла ўраш ва ипак йигириш; тўқувчилик ишлаб чиқариши; газламани пардозлаш; саноат корхоналарининг теплотехника ускуналари; газмоллар ва трикотажни бадиий безаш ва колорициялаштириш.

АНДИЖОН КЕЧКИ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ

(Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 28).

Кечки ўқишга:

Электр станциялари, тармоқлари ва системалари; саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари; металларни кесиш йўли билан ишлаш; ичдан ўт оладиган двигателлар.

Сиртқи ўқишга:

Саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари; металлни қирқиш йўли билан ишлаш.

ФАРҒОНА ХИМИЯ ТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

(Фарғона шаҳри, Дружба кўчаси, 13).

Кундузги ўқишга:

Химиявий толалар технологияси; минерал ўғитлар ва кислоталар технологияси:

Кундузги, кечки ва сиртқи ўқишларга

Саноат корхоналари ва қурилмалари электр ускуналари.

УРГАНЧ МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Урганч шаҳри, Ленинград кўчаси, 22).

Кундузги ўқишга:

Фортепьяно; духовой ва зарбли асбоблар; халқ чолғу асбоблари: хор дирижёрлиги.

Сиртқи ўқишга:

халқ чолғу асбоблари, хор дирижёрлиги.

ТЕРМИЗ МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Термиз шаҳри, Нариманов кўчаси, 53).

Кундузги ўқишга:

Ашула; хор дирижёрлиги; фортепьяно; духовой ва зарбли асбоблар; халқ чолғу асбоблари.

Сиртқи ўқишга:

Халқ чолғу асбоблари; хор дирижёрлиги.

БЕНЬКОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ РАССОМЛИК БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Байналминал кўчаси, 2).

Кундузги ўқишга:

Бадиий керамика; бадиий нақш; ёғочга, суякка ва тошга бадиий безак бериш; чизмачилик ва расмдан дарс бериш; ҳайкалтарошлик.

ФАРҒОНА МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Фарғона шаҳри, Садовая кўчаси, 3).

Кундузги ўқишга:

Фортепьяно; торли чолғу асбоблари духовой ва зарбли асбоблар; халқ чолғу асбоблари; ашула; хор дирижёрлиги; музика назарияси.

Кечки ўқишга:

Ашула, хор дирижёрлиги;

Сиртқи ўқишга:

Фортепьяно; духовой ва зарбли асбоблар; халқ чолғу асбоблари.

НАМАНГАН МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Наманган шаҳри, Энгельс кўчаси, 35).

Кундузги ўқишга:

Фортепьяно; торли чолғу асбоблари; духовой ва зарбли асбоблар; халқ чолғу асбоблари; хор дирижёрлиги; ашула, музика назарияси.

Кечки ўқишга:

Ашула, хор дирижёрлиги;

Сиртқи ўқишга:

Фортепьяно; духовой ва зарбли асбоблар; халқ чолғу асбоблари; хор дирижёрлиги; музика назарияси;

БУХОРО МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Бухоро шаҳри, Почтавая кўчаси, 4).

Кундузги ўқишга:

Фортепьяно; халқ чолғу асбоблари; духовой ва зарбли асбоблар; ашула; хор дирижёрлиги; музика назарияси; торли чолғу асбоблари.

Кечки ўқишга:

Ашула; хор дирижёрлиги;

Сиртқи ўқишга:

Халқ чолғу асбоблари; хор дирижёрлиги;

ТОШКЕНТ МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Свердлов кўчаси, 26)

Кундузги ўқишга:

Ашула, тор чолғу асбоблари; фортепиано, халқ чолғу асбоблари.

Кундузги ва сиртқи ўқишларга

Духовой ва зарбли асбоблар; хор дирижёрлиги; музика назарияси; ашула.

САМАРҚАНД МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Самарқанд шаҳри, К. Маркс кўчаси, 24а)

Кундузги ўқишга:

Ашула; тор чолғу асбоблари. Кундузги ва сиртқи ўқишларга: фортепиано, халқ чолғу асбоблари; духовой ва зарбли асбоблар; хор дирижерлиги, музика назарияси.

Кечки ўқишга:

Хор дирижерлиги,

СССР ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўрта махсус ўқув юртларига ўқиш учун 30 ёшгача бўлган СССР гражданлари — йигит-қизлар қабул қилинади. Кечки ва сиртқи ўқишларга тўлиқсиз ўрта ёки ўрта мактаб ҳажмида маълумоти бўлган, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган кишилар ёшидан қатъий назар қабул қилинади; кечки ва сиртқи ўрта махсус ўқув юртларига (филиаллари ва бўлимларига) фақат халқ хўжалиги тармоқларида, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳасида, шунингдек давлат бошқарув органларида, партия, касаба союз, комсомол, кооператив ташкилотларида ва муассасаларида ишлаётган шахсларгина қабул қилинадилар.

ЭСЛАТМА: Саккиз йиллика айлантиришгача бўлган етти йиллик мактабларни битирган кишилар саккиз йиллик мактабларни битирганлар қатори таълимнинг ҳамма формалари асосида қабул қилинадилар.

Баъзи мутахассислик ва таълим формаларига кириш учун қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади:

«Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида дарс ўтиш», «Мактабгача тарбия», «Маданий-оқартув ишлари» «Фортепиано», «Торли чолғу инструментлари», «Духовой ва зарбли инструментлар», «Халқ инструментлари», «Хор дирижёрлиги» «Музика назарияси», шунингдек химия-технология, транспорт, баъзи машинасозлик ва электр асбоблик мутахассисликлари бўйича сиртқи ўқувга фақат ўша мутахассисликлар бўйича ишлаётган кишиларгина қабул қилинадилар;

балоғатга етмаган ўсмирларнинг меҳнат қилиши тақиқланган ишлаб чиқариш соҳалари бўйича мутахассисликларда кундузги ўқиш группаларининг биринчи курсига 8 йиллик мактаблар базасидан ишлаб чиқариш практикаси давригача 18 ёшга тўладиганларгина қабул қилинади;

баъзи кон, металлургия, ҳаво ва сув транспорти ва бошқа мутахассисликлар бўйича мавжуд қонунларга биноан хотин-қизларнинг меҳнати қўлланилмайдиган соҳаларда хотин-қизлардан қабул қилиш чекланади.

Қабул ҳақидаги ариза танланган мутахассиликни кўрсатган ҳолда ўрта махсус ўқув юртининг директори номига берилади. Сиртқи бўлимга кираётганлар, кириш ҳақидаги аризани ўзлари яшаётган жойга яқин бўлган ўрта махсус ўқув юртининг маълум мутахассислиги бўйича сиртқи бўлимга топширадилар.

Ариза билан қуйидаги ҳужжатлар бирга топширилади:

Қуйидаги ҳужжатларнинг биттаси асл нусха ҳолида кўрсатилади: 8 йиллик (ўрта) мактаблар ёки бошқа ўқув юртларини битирганлик ҳақидаги ҳужжат; ўрта мактабларнинг 9,- 10,- 11-синфларга кўчирилганлиги ҳақидаги гувоҳнома; таржимаи ҳол; 286-медицина справкаси, бу справкани мактаб врачи ёки район шифохонаси (поликлиникаси) участка врачи бериши лозим; бош қийимсиз тушилган 3 X 4 сантиметрли 3 та фотосурат.

Ўқув юртига кираётган ёшлар туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбур бўлган запасдаги кишилар), ёки рўйхатга олиш гувоҳномасини (армия ёшидаги кишилар учун) кўрсатадилар ва шахсий делода ёзиб қўядилар.

Кечки ва сиртқи, шунингдек кундузги бўлимларга кираётганлар ишлаб чиқариш практикасига (икки йилдан кам бўлмаган) эга бўлганлар кириш ҳақида ариза топширётган пайтларида меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма ҳам топширадилар, бу кўчирмани корхона, ташкилот ёки колхоз раҳбарлари тасдиқлаган бўлишлари керак.

Кундузги бўлимга кираётганлар ўқув йили бошланишигача иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхасини кўрсатишлари шарт.

Ўрта махсус ўқув юртларига кираётганлардан аризалар қабул қилиш, кириш имтиҳонлари, ўқувчилар составини қабул қилиш қуйидаги муддатларда ўтказилади:

КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРГА АРИЗАЛАР:

ҳамма ўрта махсус ўқув юртларига — 8 йиллик маълумотга эга бўлганлар группасига биринчи июндан 31 июлгача, кириш имтиҳонлари 1—20 августгача, ўқувчилар составини қабул қилиш 21—24 августгача, 10 йиллик маълумотга эга бўлган группаларга — 1 июндан 15 августгача, кириш имтиҳонлари 1—20 августгача, қабул қилиш 21—24 августгача;

музика, санъат ўқув юртларига — 1—20 июнгача, кириш имтиҳонлари — 1—20 июлгача, қабул қилиш — 22—25 июлгача ўтказилади.

КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА АРИЗАЛАР:

Ҳамма ўрта махсус ўқув юртларига — 6 августгача, кириш имтиҳонлари — 1—10 июнгача, 1—10 июлгача, 7-12 августгача, қабул қилиш—13—15 августгача;

Музика, санъат ўқув юртларига — 1-29 июнгача, кириш имтиҳонлари—1-20 июлгача, қабул қилиш 21-24 июлгача.

СИРТҚИ БЎЛИМГА АРИЗАЛАР:

Ҳамма ўрта махсус ўқув юртларига—10 августгача, кириш имтиҳонлари — 11-20 июнгача, 11-20 июлгача, 13-20 августгача, қабул қилиш—21-30 августгача;

педагогика ўқув юртларига — 31 майгача, кириш имтиҳонлари 1-10 июнгача, қабул қилиш—11-15 июнгача;

музика ўқув юртларига—1 июлдан 15 августгача, кириш имтиҳонлари—20-27 августгача, қабул қилиш 28-31 августгача;

мавсумийлик характеридаги ишлар билан боғлиқ бўлган геология, геодезия мутахассисликлари бўлган техникум ва ўқув юртларига—1 октябрдан 30 ноябргача, кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 14 декабргача, қабул қилиш 16-25 декабргача.

Эслатма: кечки ва сиртқи бўлимларга кираётганлар кириш имтиҳонлари топшириш учун ўқув юртининг чақирувига биноан ўзлари ишлаётган корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари билан келишган ҳолда, маълум кунларга бир мартагина юборилади.

Ўрта махсус ўқув юртларига 8 синф маълумоти билан кираётганлар қуйидаги предметлар бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар:

саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, экономика, геодезия, гидрология, физкультура, маориф бўйича мутахассисликларга—рус тили (диктант), математика (оғзаки);

музика, санъат, маданий оқартув ишлари бўйича мутахассисликларга — рус тили (диктант), рус тили ва адабиёти (оғзаки).

10 синф маълумоти билан кираётганлар қуйидаги предметлар бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, геодезия, гидрология, экономика бўйича мутахассисликларга — рус тили ва адабиёти (ишшо), математика (оғзаки);

химия технологияси, металлургия, озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси, товаршунослик, шунингдек «Фойдали қазилмаларни бойитиш», «Газламаларни пардозлаш», «Трикотаж молларини пардозлаш», «Тери маҳсулотини дастлабки ишлаш», «Чарм технологияси», «Аналитик химия» бўйича мутахассисликларга—рус тили ва адабиёти (ишшо), химия (оғзаки);

мактабгача болалар муассасаларига — «Физкультура», «Маданий оқартув ишлари», «Кутубхоначилик», «Китоб товаршунослиги» бўйича мутахассисликларга — рус тили ва адабиёти (ишшо), СССР тарихи (оғзаки);

Эслатма: «Умум таълим мактабларининг бошланғич синфларида дарс ўтиш» мутахассислигига кираётганлар ишшо ўрнига диктант ёзадилар.

Музика, санъат, ўймакорлик санъати, театр, физкультура, «Маданий оқартув ишлари», «Архитектура» мутахассисликлари бўйича кираётганлар ўша мутахассисликлар бўйича қўшимча кириш имтиҳонлари топширадилар.

Мутахассисликлар бўйича топшириладиган имтиҳонлар биринчи навбатда олинади.

Педагогика ўқув юртларига «Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида дарс ўтиш» мутахассислиги бўйича кундузги бўлимга кираётганлар кириш имтиҳонлари бошланғунга қадар музикани тушуниш бўйича синовдан ўтадилар. Синов пайтида қониқарли натижага эриша олмаган кишилар кириш имтиҳонларига қўйилмайди.

Кириш имтиҳонларига қўйилган кишилар ўзлари кираётган ўқув юртида имтиҳон топширадилар. Ўрта махсус ўқув юрти қабул комиссиясининг назорати билан кириш имтиҳонларини филиалларда ҳам топшириш мумкин.

Имтиҳонларнинг биридан қониқарсиз баҳо олган киши қолган кириш имтиҳонларига қўйилмайди. Қониқарсиз баҳо олгандан сўнг қайта имтиҳон топшириш, шунингдек баҳони кўтариш мақсадида қайта имтиҳон топширишга рухсат берилмайди.

Жадвал бўйича кўрсатилган муддатда имтиҳонларнинг бирига сабабсиз келмаган киши келгуси имтиҳонларга киритилмайди. Имтиҳонга касаллиги туфайли келолмайдиган киши имтиҳон бошланғунга қадар ўқув юртини огоҳлантириши ёки имтиҳон белгиланган кундан кейин уч кун давомида справка кўрсатиши шарт. Ана шундай қилинганда ўқув юртига кираётган кишига бошқа группа ва потокларга кириб имтиҳонларни вақтида топшириш имконияти яратиб берилиши мумкин.

Кириш имтиҳонларига қўйилган кишиларга (кечки ва сиртқи бўлимларга) ишлаётган жойидан маоши сақланмаган ҳолда 10 кун муддатга отпуска берилади. Бу отпускага ўқув юртига келиш ва қайтиш муддатлари кирмайди.

Б № — 124. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 08463.